

АРТЕРИАЛ ГИПОТЕНЗИЯ АНИҚЛАНГАН АЁЛЛАРДА НУТРИТИВ, ГЕМОДИНАМИК ВА КОМОРБИД ОМИЛЛАРНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ДИНАМИКАСИ

Мамасолиев З.Н.

Нишонова Н.А.

Андижон давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18466757>

Мавзунинг долзарблиги ва зарурияти. Яқин ва узоқ хорижий мамлакатларда артериал гипотониянинг замонавий ҳолати фаол ўрганилмоқда. Улар асосан артериал гипотензиянинг клиник аспектларига, даволаш усулларини такомиллаштириш, даволаш усулларини такомиллаштириш, юрак-қон томир ходисаларини камайтириш ва коморбидлик билан боғлиқ масалаларга бағишланган [1;2;3]. Лекин касалликни келиб чиқиши, кечиши ва профилактикасининг сақланиб келинаётган эпидемиологик механизмларини ўрганиш мавзуси, турли аҳоли гуруҳларини минтақавий хусусиятларини ҳисобга олиб, эътибордан четда қолган ёки “замонавий илмий руҳда” ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади: Фарғона водийси шароитида артериал гипотензияни скрининг ташхисоти ва профилактикасини оптималлаштиришнинг инновационли технологияларини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Дизайнига кўра проспектив эпидемиологик бўлган ушбу 5 та эпидемиологик тадқиқот Фарғона водийсининг Шахрихон, Хўжаобод, Андижон ва Пахтаобод туманларининг 18-74 ёшдаги эркак ва аёллар популяциясида бажарилди. Тадқиқотни ўтказишга Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг этика кўмитасидан рухсат ва тасдиқ олинган.

Жами 9345 нафар аҳоли текширилган, 18-74 ёшли эркак ва аёллар 10%-ли танлама билан ажратилган: Шахрихон туманидан-1085 та (эркаклар-528 нафар ва аёллар-557 нафар), Хўжаобод туманидан -1078 нафар (538 нафари эркаклар ва 540 нафари аёллар), Андижон туманидан -5000 нафар (эркаклар-2472 нафар ва аёллар-2528 нафар) ва Пахтаобод туманидан-2182 нафар (эркаклар-1069 нафар ва аёллар-1113 нафар). Текширув 1989 ва 2020 йиллари ҳамда 2024 -2025 йиллари бажарилган; унга илмий жамоа жалб қилинган, 31 йиллик ретропроспектив ва 5-йиллик проспектив эпидемиологик тадқиқот маълумотлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда эпидемиологик, биокимёвий, инструментал, фармакоэпидемиологик ва статистик текширув усуллари қўлланилган. Артериал гипотензия ва унинг хатар омилларини ташхислашда ЖССТ мезонлари (WHO, 2008) ҳамда умумқабул қилинган халқаро тавсиялар қўлланилди [4;5].

Материални статистик такрорий ишлаш усуллари. “Check-up” (яхлит тиббий кўрик) тамойили асосида ташкил этилган тадқиқотимизда олинган маълумотларга параметрик ва нопараметрик усулларда ишлов берилган. Маълумотларни тўplash, тахрирлаш ва дастлабки маълумотларни тизимлаштириш ва визуализациялаш MateBook D14 “Hua Wei” персонал компьютерида Windows 10 дастурий маълумотида, Microsoft Office Excel 2021 электрон жадваллари ёрдамида амалга оширилган. Статистик таҳлиллар IBM SPSS Statistics Base статистик пакетлар мажмуасининг проприетар лицензияга эга 27.0 талқинида (2020) ёрдамида амалга оширилган. Мақсадли тарзда McNamara тестидан, меъёрий таъсилот қонуниятига мос ўзгарувчиларнинг миқдорий

кўрсаткичлари учун Paired t-test ёки Wilcoxon мезонидан, 3 ва ундан ортиқ миқдорий кўрсаткичларни таққослаш учун Repeated Measures ANOVA каби статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Натижа ва муҳокама. Нутритив омиллар: Кам туз истеъмоли 4,5% дан 1,6% га, дегидратация ҳолати эса 9,0% дан 6,6% га пасайди.

-Коморбид касалликлар: Юрак етишмовчилиги (5,2% → 11,5%), буйрак усти беши етишмовчилиги (6,0% → 13,1%), онкологик (6,0% → 13,1%) ва эндокрин касалликлар (6,7% → 9,8%) сезиларли кўпайди. Энг катта аҳамиятли ўсиш камқонликда кузатилди – 52,2% дан 68,9% га ($\chi^2=4,733$; $p < 0,05$).

-Фармакологик коморбидликлар:

-“АГгип + антигипертензив воситалар истеъмоли” – умумий популяцияда 5,2% дан 3,3% га камайди ($p > 0,05$).

-“АГгип + диуретиклар” – 5,2% дан 3,3% га пасайиш қайд этилди ($p > 0,05$).

-“АГгип + антидепрессантлар/транквилизаторлар” – 9,7% дан 8,2% га тушиш билан тавсифланди ($p > 0,05$).

Хулоса. Аёлларда АГгип нутритив ва фармакологик омиллар, шунингдек, қатор коморбид касалликлар билан чамбарчас боғлиқ. Камқонлик асосий “маркер-омил” сифатида ажралиб чиқди. Фармакологик омиллар билан ассоциациялар статистик аҳамиятли бўлмаса-да, профилактикада ҳисобга олиниши лозим. Ушбу натижалар аёлларда гипотензия профилактикаси ва эрта скрининг тизимини такомиллаштириш учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Бычкова М.С., Резник Е.В. Ведение пациента с тяжелой артериальной гипотонией на фоне терминальной сердечной недостаточности со сниженной фракцией выброса левого желудочка //Архивъ внутренней медицины. –2022. - № 2. – С. 143 – 155.
2. Губарева Е.Ю., Дупляков Д.В., Губарева И.В. Артериальная гипотензия: диагностические критерии, патогенетические механизмы, персонализированный подход к диагностике и лечению (Лекция) //Российский журнал персонализированной медицины. -2022;2(5):50-59.
3. Armstrong P.W., Pieske B., Anstrom K.J. et al. Vericiguat in Patients with Heart Failure and Reduced Ejection Fraction //N Engl J Med. 2020; 382(20): 1883-93. doi: 10.1056/NEJMoa1915928.
4. Freeman R., Abuzinadah A.R., Gibbons C. Orthostatic Hypotension: JACCS Tate-of-the-Art Review //Journal of the American College of Cardiology. -2018. Vol. 72, № 11. P. 1294–1309. DOI: 10.1016/j.jacc.2018.05.079.
5. Nurmatova T.S., Mamasoliev N.S., Kurbonova R.R., Usmanova G.A. Epidemiological Description of Arterial Hypotonia in Adolescents (In the Example of Fergana Region) //RA Journal of applied research. 2021 Dec. Vol. 7, № 12. P. 85–95. DOI: 10.47191/rajar/v7i12.14.